

ОЛИЙ ТАЪЛИМ -ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТНИНГ АСОСИЙ ТАЯНЧИ ВА ПОЙДЕВОРИ

Усманова Гузаль Тулкуновна

И. Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

Амалий инглиз тили кафедраси катта уқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада олий таълим -жамият тараққиётнинг асосий таянчи ва пойдевори эканлиги таҳлилга тортилган. Бундан ташқари таълим тизимини ва сифатини такомиллаштириш юзасидан кенг хорижий тажриба ўрганилган. Ушбу таҳлиллар натижасида Ўзбекистон Республикаси таълим тизими такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: *Олий таълим, таълим, таълим-тарбия, педагог, ёшлар, ислохотлар, молиявий мустақиллик, таълим сифати.*

ABSTRACT

This article analyzes the fact that higher education is the main support and foundation of society. In addition, a wide range of foreign experience in improving the education system and quality has been studied. As a result of these analyses, suggestions and recommendations for improving the education system of the Republic of Uzbekistan were developed.

Key words: *Higher education, education, education, pedagogue, youth, reforms, financial independence, quality of education.*

КИРИШ

Олий таълим жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олгани ҳолда ривожланиш учун асос вазифасини бажаради. Инсон фаолияти натижасида жамиятда янгилашни ва ижтимоий тараққиётга хизмат қилади. «Олий» атамаси французча «enseignement superieur» — «олий» ёки «юқори» тушунчасининг қадимий номларидан бўлиши мумкин. Шу тарзда у давр ўтиб нуфузли масканда илм олган инсонларга нисбатан қўлланилган десак, хато қилмаган бўламиз. Яъни «олий маълумот»¹ кўп илм, билим ва муайян бир йўналишдаги малакали мутахассисга нисбатан ишлатила бошланган. Кейинчалик тараққиёт натижасида, янги кўринишдаги салобатли, ҳудудий кенг майдонни эгаллаган университет, институт ва шу каби масканлар пайдо бўлиши юқори маълумотга эга бўлган инсонлар сони купайишига олиб келди.

¹ «высшее» — также и сравнительная степень: ru_etymology.

Олий таълим, ўз навбатида, ўрта таълимга асосланган бўлиб, ўқув фаолиятини таъминлайдиган ихтисослаштирилган майдон. Буни юқори даражадаги қийинчиликларга ўрганишга қаратилган ихтисослашув, дейишимиз ҳам мумкин. Олий ўқув юртига одатда академик таълим деб тушуниладиган мезонлар киради, аммо унга касб-хунар таълими ҳам киради. Яъни, у ISCED 5 даражани қамраб олади (қисқа муддатли олий маълумот), 6 даража (бакалавр даражаси ёки унга тенглаштирилган), 7 даража (магистратура ёки) унинг эквиваленти) ва 8 даража (докторантура ёки унга тенглаштирилган). Олий таълим дастурларининг мазмуни куйи ISCED даражаларига қараганда анча мураккаб ва чуқурроқ².

Милоддан аввалги V-III асрларда ёшлар таълимига катта эътибор берган Қадимги Юнонистонда юқори даражадаги таълим таъминланган. Милоддан аввалги IV-III асрларда таълимнинг энг юқори даражасини таъкидлайдиган мафкурачилардан бири Афлотун (Платон) эди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Янги давр остонасида «Ўрта асрларда, яъни XIV-XVI асрларда илм-фан ва таълимни аста-секин схоластизм»дан³ озод қилиш юз берди. Схоластик мактаб инглиз файласуфи Ф. Бэкон томонидан кескин танқид қилинди. Шу даврдаги гуманист ёзувчи ва ўқитувчилар —В.Да.Фелтре, Э.Роттердамский, Л.Вивес, Ф.Рабле, М.Монтань католик черковининг таълим соҳасини монополлаштиришига қарши чикдилар.

Европада эса биринчи университет сифатида тан олинган олий таълим муассасаси Италиянинг Болонья университети ҳисобланади, адабиётларда у 1088 йилда ташкил топгани айтилади. Унинг асосчиси ўз даврининг машҳур ўқитувчиси Ирнерий бўлиб, у Рим ҳуқуқи бўйича дарс берган. 1158 йилга келиб Герман императори Фридрих I Барбаросса университети профессорларига кенг ваколат ва имкониятлар бериши⁴ натижасида бу таълим даргоҳи яна бир бор машҳур бўлди. Университетда маъруза, асосан, савдо-сотик олиб бориш тартиб-қоидалари ва қонунлари хусусида бўлган. Шунинг учун унинг асосий тингловчилари савдогарлар бўлишган. Университетда ҳали ўқитиш тизими ва у билан боғлиқ масалалар тўлиқ йўлга қўйилмаган бўлиб, таълим маълум тоифа манфаатларига йўналтирилган. Болонья университети савдо-сотик билан боғлиқ

² UIS. 2012. Xalqaro ta'limning standart tasnifi: ISCED 2011. www.uis.unesco.org/Education/Documents/isced-2011-yil.pdf).

³ Схоластика —1. Черковнинг диний ақидаларини назарий асослашга қаратилган қуруқ сафсатадан иборат ўрта асрлар фалсафасига нисбатан ишлатилган; 2. Қуруқ сафсата, пуч илм, тажрибага асосланмаган сохта билим.

⁴ Гойибов Б., Гадовое Х. Ўлкамизда олий таълим: тарихий омил ва илмий асослар. <https://uza.uz/uz/posts/lkamizda-oliy-talim-tarixiy-omil-va-ilmiy-asoslar-16-06-2020>.

жамоа манфаатлари йўлида шаклланган эди. Европанинг яна бир йирик олий таълим даргоҳи Париж (Франция) университети ҳисобланиб, унинг ташкил топишида, бошқа олий таълим муассасаларидан фарқли равишда, талабалар эмас, ўқитувчилар жамоага бирлашган. Янги университет 1150 йилда ташкил этилиб, дастлаб жуда тез ривожланган ва бир неча факультетларни бирлаштирган. Францияда руҳонийлар ва черков ўртасидаги низолар университет фаолиятига салбий таъсир кўрсатган. 1209, 1212, 1231 йилларда университетнинг автоном ҳуқуқи папа булласи⁵ билан чекланганини мисол қилиш мумкин. Черковнинг университет фаолиятини чеклаши ва унга ёрлик бериши бевосита таълим муассасасининг черков таъсирида бўлганидан далолат беради.

Жаҳонда университетлар турлича омиллар асосида шаклланган. Нуфузи юқори университетлар дворян оиласига мансуб шахс ва ҳомийлар раҳнамолигида, баъзилари эса Ғарбдаги ижтимоий-сиёсий вазият ва эҳтиёжлар таъсирида вужудга келган. Университетларнинг ташкил топиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унинг турлича эканини кўрамиз. Илмий адабиётларда дунёдаги илк университет 855 йилда Константинополда, олдиндан мавжуд бўлган ўрта аср мактаблари базасида, Византия давлат арбоби Варда ва Лев Математик (файласуф олим) томонидан асос солинган Магнавр (Константинополдаги сарой номи) университети экани келтирилади⁶.

Диний ҳокимиятнинг таълим тизимига таъсири Шарқда ҳам сезиларли бўлган. Масалан, 970 йилда дастлаб жоме масжиди қошидаги мадраса сифатида фотимийлар (909-1171)дан бўлган халифа ал-Муиз (953-975) даврида фаолият кўрсата бошлаган Ал-Азҳар университетида ҳам шиа мазҳаби асослари ўргатилган. Ал-Азҳар университети Қоҳира шаҳри билан баробар қурилган. Фақатгина XI асрдан бошлаб унинг таркибидаги мадраса (996) Қуръони карим, ҳадис, фикҳ, тил ҳамда балоғат фанлари ўқитиладиган университетга айланган. XIV-XV асрларда университет яна бир неча янги қурилган мадрасалар қўшилиши ҳисобига кенгайган ва унда турли фанлар ўқитила бошланган. Дастлабки дарслар масжид ҳовлисида олиб борилган. Талабалар сони кўпайгач, махсус бинолар қурилиб, фаол талабаларга стипендиялар тайинланган. Мисрда Фотимийлар ҳукмронлигидан сўнг (1171), шиа ва суннийлар ўртасидаги ўзаро ички курашлар натижасида Ал-Азҳарнинг мавқеи пасайиб, ҳатто, у талон-тарож қилинган⁷ (университет кутубхона фондидаги қимматли китоблар сотиб юборилган ва йўқ қилинган). 1517 йилда Мисрнинг

⁵ Булла - Рим папасининг ёрлиғи, фармони, фатвоси.

⁶ Ғойибов Б., Ғадоев Х. Ўлкамизда олий таълим: тарихий омил ва илмий асослар. <https://uza.uz/uz/posts/lkamizda-oliy-talim-tarikhii-omil-va-ilmiy-asoslar-16-06-2020>.

⁷ Ўша манба..

Усманийлар давлати таркибига қўшиб олиниши натижасида Ал-Азҳар талабаларининг этник таркиби хилма-хиллашган.

Бу даврда давлат томонидан Ал-Азҳар учун маблағ ажратилмаган бўлсада, олий даргоҳ мусулмон таълими ва ҳуқуқини тарғиб қилиш маркази бўлиб қолаверган. Бугунги кунда Ал-Азҳар университети Миср давлатининг брендига айланган. Фотимий шиалардан кейин эса дунёвий фанларни ўқитиш натижасида Ал-Азҳар ҳақиқий университет мақомига эга бўлди.

Ҳозирда жаҳоннинг йирик олий таълим муассасаси ҳисобланган Оксфорд (Англия) университетининг ташкил топган санаси манбаларда турлича келтирилади. Университетга Париж университетидан норози бўлган инглиз талабалари 1096 йили (баъзи адабиётларда 1118 йил деб келтирилади) асос солишган. Шу даврдан бошлаб, Оксфордда университет фаолият кўрсатмаган 1214 йилдан ўқитувчиларнинг бир қисми шаҳарга қайтгандан кейин яна талабалар қабул қилина бошлаган. Кўриниб турибдики, мазкур университетга талабалар томонидан асос солинган, ўқитиш тизими ҳам жуда содда бўлган. Шунингдек, Кембриж (Англия) университетига ҳам 1209 йилда асос солинган улар Оксфордда шаҳарликлар ва черков ходимлари билан келиша олмасдан ўзлари янги университет ташкил этишганини айтиш лозим. Фарбий Европада ислохотлар даврида (XVI аср) Кембриж ва Оксфорд университетлари инглиз черкови томонидан назоратга олиниб, қирол Генрих VIII 1536 йилда университетда схоластика факультети⁸ фаолиятини тақиқлаб қўяди, натижада университет фаолияти тўхтади. Бу ўз навбатида, диний ҳокимиятнинг дунёвий ҳокимият устидан назорат қилишини назарий асослашга қаратилгани билан аҳамиятли эди. Қарийб ўн йиллик низолар натижасида 1546 йилга келиб, Кембриж университетига Тринити коллежи ташкил этилиб, у ерда қадимги юнон тили, физика ва фуқаро ҳуқуқи ўқитила бошлаган. Маълум бўладики, Кембриж университети, асосан, диний билимлар ва черков фалсафасини тарғиб қилувчи муассаса сифатида вужудга келган бўлиб, кейинчалик дунёвий ҳокимият қаршилигига учраган. Ўрта асрлар университетлари диний ва дунёвий ҳокимият ўртасидаги курашларда азият чеккан. Баъзи университетлар дунёвий ҳокимият томонидан таъсис этилган бўлсада, диний ҳокимиятнинг розилигисиз қонуний фаолият олиб бора олмаган, айримлари университетлар шахсий маблағ эвазига шакллантирилган.

Олий ва ўқув юртларини ислоҳ қилишнинг долзарблиги аввало, кадрларга бўлган эҳтиёж билан боғлиқ. Ҳозирги давр ҳар томонлама ривожланган, илмий,

⁸ Ўша манба.

техникавий ва бошқа соҳаларда тубдан фарқ қиладиган глобаллашган давр ҳисобланади. Буни эса олимларимиз ноосфера (Ақл соҳаси) босқичи деб номлашди.

Умуман олганда, олий таълимнинг моҳияти қуйидагиларни тақозо этади:

- ёшлар маънавиятига ёт ички таҳдидлар ва уларга қарши курашиш чоратадбирларини белгилашда олий ҳамда ўрта махсус таълим ўрнини баҳолаш;
- баркамол авлодни тарбиялашда таълим-тарбия, мафкура ва ғоянинг ўрнини кўрсатиб бериш.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Ижтимоий ривожланиш, биринчи навбатда, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларни жиҳозлаш масалалари, ҳеч шубҳасиз, жорий йилда ҳам диққатимиз марказида бўлади»⁹. Глобаллашув шароитида таълим соҳаси мамлакатнинг ақлий салоҳияти ва инсон тафаккурини такомиллаштириш омилига айлангани инсон капитали жамғарилиши натижасидир. Хусусан, фалсафий таълим инсон омилини юқори босқичга кўтаришда муҳим роль ўйнайди. Бозор иқтисодиёти шароитида дунёқараши кенг, жамият ҳаёти учун дахлдорлик ҳиссига эга кадрлар тайёрлаш бугуннинг талабига айланмоқда.

Зеро, давр руҳини ифодаловчи таълим тизими ташкил этилмаса, дунё ҳамжамияти билан беллаша оладиган роқобатбардош кадрлар тайёрланмаса Ўзбекистон дунёда ўзининг муносиб ўрнига эга бўла олмайди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини «тўлиқ рўёбга чиқариш меҳнат бозорининг ривожланиши, реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни инобатга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш»¹⁰ни талаб этди. Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар таълим хизматлари бозоридаги таълим хизматларига бўлган талабга таъсир этади.

Ҳозирги кунда фалсафа олдидаги муҳим вазифалардан бири қандай касбда ишлашидан қатъий назар ҳар бир инсонн фалсафий тафаккур қилиши, дунёқарашини кенгайтириши муҳим ҳисобланади¹¹.

Ўз навбатида, таълим хизматлари бозори ушбу талабни миқдорий, тузилма ва сифат жиҳатидан қондира олиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Ушбу жараённинг барқарорлиги ва самарали бориши айнан таълим хизматлари бозоридаги иқтисодий муносабатларни рўй бераётган ўзгариш ва тенденцияларга қанчалик мослаштириб борилишига боғлиқ.

⁹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 36.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Олий таълим меъёрий ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 41.

¹¹ Абдурахмонов Ф.Р. Фалсафа фанига янгича ёндашиш – давр талаби// Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт // V Республика илмий-амалий конференцияси. – Тошкент: Ношир, 2016 йил 1-2 июнь. – Б. 32-35.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, таълим тизимини ривожлантириш ва унинг аҳамиятини баҳолаш ҳар қандай шароитда зарурий ҳодиса сифатида жуда кўп ислохотларни талаб қилди, хусусан, инновациялар татбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига татбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидар. Замонавий таълимга инновация олиб кириш асосида илғор хорижий тажрибаларни татбиқ этиш айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

REFERENCES

1. UIS. 2012. Xalqaro ta'limning standart tasnifi: ISCED 2011. www.uis.unesco.org/Education/Documents/isced-2011-yil.pdf.
2. Схоластика —1. Черковнинг диний ақидаларини назарий асослашга қаратилган қуруқ сафсатадан иборат ўрта асрлар фалсафасига нисбатан ишлатилган; 2. Қуруқ сафсата, пуч илм, тажрибага асосланмаган сохта билим.
3. Ғойибов Б., Ғадоев Ҳ. Ўлкамизда олий таълим: тарихий омил ва илмий асослар. <https://uza.uz/uz/posts/lkamizda-oliy-talim-tarixiy-omil-va-ilmiy-asoslar-16-06-2020>.
4. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 36.
5. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Олий таълим меъёрий ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 41.
6. Абдурахмонов Ф.Р. Фалсафа фанига янгича ёндашиш – давр талаби// Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт // V Республика илмий-амалий конференцияси. – Тошкент: Ношир, 2016 йил 1-2 июнь. – Б. 32-35.